

**“APEX INSURANCE” Акциядорлик жамияти
Акциядорларининг
2022 йил 04 майдаги йиллик
умумий йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Йиғилиш раиси



Саидов Т.М.

**“APEX INSURANCE” АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА”ГИ**

Н И З О М

(янги таҳрир)

Тошкент – 2022 йил.

“APEX INSURANCE” АЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМ

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Кузатув кенгашининг ваколатлари
- III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш уларнинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш
- IV. Кузатув кенгашининг раиси
- V. Кузатув кенгашининг мажлиси
- VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва вазифалари
- VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “APEX INSURANCE” АЖ кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) “APEX INSURANCE” Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) кузатув кенгаши фаолият тартибини, ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.

2. “APEX INSURANCE” Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун алоҳида-алоҳида тақсимланади.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

4. Кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Жамиятни ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда, Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Жамият Уставининг 10.6-банди а) ва т)-кичик бандларида қайд этилган масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгишни ташкил этиш;

Жамият Ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш;

Жамият Ижроия органига тўланадиган пул мукофотлари ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда, Жамиятнинг келгуси йил учун бизнес-режаси Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабрдан кечиктирилмай маъқулланиши керак;

Ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш (епиш);

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан назарда тутилган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Кузатув кенгашининг йирик битимни тузиш масаласи бўйича ҳамфикрлигига эришилмаган ҳолатда, Кузатув кенгаши қарори бўйича йирик битимни тузиш тўғрисидаги масала Акциядорлар умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритилиши мумкин);

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Жамият устав фондини (устав капитални) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

қимматли қоғозлар эмиссияси тўғрисидаги қарор ва маълумотномани тасдиқлаш; аввалги чиқарилган рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархларини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертацияланадиган облигациялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатларда аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

фақат Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган доираларда хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) шартлари ва бу тўғрисида қарор қабул қилиш тартибини белгилаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича мустақил профессионал ташкилотлар – консултантлар жалб қилинган ҳолда, бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан йиллик таҳлилини ўтказиш;

Жамият Ижроия органи томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар мустақил равишда тузилиши учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш масаласи кўриб чиқирилиши таъминлаш;

Ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан устав капиталининг 50 фоизидан кўпроги Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш бўйича ваколатлар бериш;

Жамият ички назорат органларининг (Тафтиш комиссияси ва Ички аудит хизмати) Кузатув кенгаши, Акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлик тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Акциядорлар умумий йиғилишида Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача даврга) бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва Акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритиш;

Жамиятда қабул қилинган ривожланиш режаларининг ҳар бирида белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш имконини берадиган керакли сон ва сифат мезонларини жорий қилиш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, буни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш тавсия этилади;

зарур ҳолларда, тааллуқли масалалар юзасидан, шу жумладан низоли вазиятларни ҳал қилиш учун Кузатув кенгаши, Ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб қилинган экспертлар орасидан ишчи гуруҳларни ташқил этиш;

Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш тартиби ва ҳолатларини сўровнома орқали, шунингдек видео-конференция алоқа режимида тартибга солиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзувлари ва Интернет тармоғида намойишига рухсат бериш масалаларини Акциядорлар умумий йиғилиши раиси ваколатларига киритиш;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларида иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш.

5. Кузатув кенгаши ваколатларига қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш киритилиши мумкин.

6. Кузатув кенгаши тааллуқли масалалар юзасидан, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун Кузатув кенгаши, Ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб қилинган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, ихтисослашган олий ўқув муассасалари ўқитувчилар таркиби ва ҳ.к.) орасидан қўмиталарни (ишчи гуруҳларини) ташқил этишга ҳақлидир.

7. Кузатув кенгаши Жамият ташқилий тузилмасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича ишлар ўзаро мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

8. Кузатув кенгаши қарори бўйича Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш энг камида йилига бир марта ўтказилади. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаш Кузатув кенгаши қарори бўйича танлов асосида амалга оширилади.

9. Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10. Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажарганлиги учун ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори бир баробарига тенг ҳақ тўланади.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ

11. Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга сайланади.

12. Жамиятнинг Кузатув кенгашининг сон таркиби 3 (уч) кишидан иборат.

13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин.

14. Жамият Бош директори Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

15. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин эмас. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахслар Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши лозим.

16. Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига энг камида бир нафар (бирок Устав билан назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган ҳолда) мустақил аъзо киритилиши мумкин.

17. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайловлари кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

18. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

19. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

20. Кузатув кенгашига сайланган аъзонинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича амалга оширилади. Бунда, Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилиши чақирилгунгача Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари бажарилишини давом эттириш имконият йўқлиги тўғрисида маълум қилган Кузатув кенгаши аъзоси йиғилишларда иштирок қилмайди. Қарорларни қабул қилиш қонунийлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

21. Кузатув кенгаши таркибига қўшимча сайловлар тўғрисидаги масала Кузатув кенгаши аъзолари ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

22. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

23. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

24. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

25. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

26. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг шахсий ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижроия орган аъзосининг, Жамият оддий акцияларининг энг камида 1 фоизи эгалари ва Жамият Ички аудит хизмати бошлиғининг талабига кўра чақирилади. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан йилнинг ҳар чорагида энг камида бир марта чақирилади.

27. Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

28. Кузатув кенгаши аъзолари сони Устав ва мазкур Низомда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши шарт. Кузатув кенгашининг

қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бош директори ваколатлари муддатдан илгари тугатилган тақдирда унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

29. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, янги тахрирдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Жамият Устави билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Кузатув кенгашида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолатда ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга.

30. Мазкур Низомнинг 4-банди саккизинчи ва йигирма тўртинчи хатбошида қайд этилган масалалар бўйича қарор Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

31. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

32. Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади.

33. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тузилади.

34. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;

мажлис кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

35. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

36. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кунда Жамият Ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилган кунда топширилади.

37. Кузатув кенгаши қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртқи овоз бериш (сўровнома) орқали бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда Кузатув кенгаши қарори расмийлаштирилади, унда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган йиғилиш кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

38. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинадиган масала бўйича регламент билан белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарори бўйича муайян давр учун Жамият фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумотлар олиш;

Кузатув кенгаши аъзоси вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлари учун тўлов олиш. Ҳақ миқдори Жамият корпоратив бошқарув тизимини ва Жамият фаолияти молиявий натижаларини мустақил баҳолаш хулосалари натижаларига боғлиқ бўлиши мумкин.

39. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларга мажбур:

Жамият билан битимлар тузишда Жамиятни мўлжалланган битим, тегишли шартноманинг муҳим шартлари тўғрисидаги маълумотлар батафсил кўрсатилган билдириш хатини юбориш орқали ўз аффилиланганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

ўз лавозим вазифаларини виждонан, шунингдек Жамият манфаатларида энг яхши деб ҳисоблаган усул билан амалга ошириш.

40. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, Жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойиш мақсадларида фойдаланишга ҳақли эмаслар.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

41. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

42. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгашининг аъзолари жавобгар бўлмайдилар.

43. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги

даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

44. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

қонун ҳужжатларида белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

45. Ушбу Низомда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тартибга солинади.